

## ЕР РЕСУРСЛАРИНИ ТАРМОҚЛАРАРО ТАҚСИМОТИДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

*Джумабекова*

*Тош.ДАУ “Деҳқончилик ва мелирация” кафедраси, ассистенти*

***Егамбергана Ш.***

*Тош.ДАУ Агробиология факультети талабаси*

**Аннотация:** Илмий тадқиқотда хорижий мамлакатларнинг ер муносабатларини шаклланиши ва унинг ижобий томонларини кўплаб қадамларни босиб ўтган. Илмий мақолада хориж мамлакатларни ер муносабатларни тартибга солишдаги илғор тажрибаларни таҳлили ва уларни миллий ер муносабатларини шакллантиришдаги ҳолатини кўриб чиқилган. Жумладан, МДХ мамлакатларидаги ер муносабатларини ҳолати таҳлили ўрганилган.

**Аннотация:** В научный исследование было рассмотрено исследование опыт зарубежного страны земельных отношений. Научной статье рассмотрены анализ продвинутой исследовании при распределении земельных ресурсов зарубежных стран и национальный земельные отношения при формировании их. Рассмотрены разносторонние методы при разработке проекта отвода земель. Также, изучена анализ земельных отношений в странах СНГ.

**Annotation:** The scientific research was reviewed study foreign experience of land relations. Scientific analysis of the article deals with advanced study of land allocation to foreign countries and national land relations in the formation of them. And also studied analysis land relations in the Commonwealth Independent States. Land allotment is complicated process that includes various factors from choosing to allotment on place. Article discusses on issues on vagueness of the process.

**Калит сўзлар:** ер ресурслари, ер танлаш, ер ахборот маълумотлари, ер бериш, ер участкаси, маълумотлар тизими, МББТ

**Ключевая слова:** земельные ресурсы, отвод земель, земельно-информационная система установочные, выдача земель, земельные участки, УСБД

**Key words:** land resources, land selection, land information system, land granting, land systems management database

Илмий тадқиқот жараёнида тармоқлараро ер тақсимотини ривожланган мамлакатларда ўнлаб йиллар давомида шаклланган ва бугунги ҳолатига келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ер муносабатларини шаклланишида ислохотлар олиб борилди. Шу билан бирга миллий ер ислохотини амалга оширишда хорижий мамлакатларининг ижобий тажрибасини миллий ер

ислохотида маҳаллий аҳолининг менталитети ва урф-одатларини ҳисобга олинган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хорижлик олимларининг таъкидлашича, хусусий мулкчилик тасарруф этилган мамлакатларда ер ресурсларидан фойдаланиш, ижара ва давлат тасарруфи сақланиб қолган давлатларга нисбатан самаралироқ эканлиги, ҳосилдорлик, етиштирилган маҳсулот сифати юқорилиги тўғрисидаги ғояни илгари суришади. Бунинг аксича, ерга давлат мулкчилига сақланиб қолган давлатларда, ҳамда хусусий мулкчилик тасарруф этилган давлатларда, ерга бўлган хусусий мулкчиликнинг ерга бўлган абсолют ҳуқуқи сақланмаган. Аксарият ҳолатларда ер эгаси - мулкдор мулкнинг иккита асосий функциясидан тула фойдалана олмайди, жумладан, ерга тўла эгалик ҳуқуқи ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи. Шунинг учун, замонавий иқтисодиёт назарияси ерга тула хусусий мулкчиликни тан олмайди, лекин ишлаб чиқарилган маҳсулотга бўлган чегараланмаган ҳуқуқни эътироф этади.

Шунинг учун ҳам дунёнинг барча мамлакатларида ер ресурсларини иқтисодиёт тармоқларига тақсимлашда қишлоқ хўжалиги устуворлигини таъминлаш умуминсоният тамойили сифатида қаралади, ҳамда бу тамойил ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган. [1]

1-жадвал

Дунё мамлакатларида аҳоли сони ва суғориладиган ерлар тўғрисида маълумот (2023й.)

№ т/р	Давлат	Аҳоли, млн. та	Умумий ер майдони		Ҳайдалма ерлар		Суғориладиган ерлар	
		жами	Жами, млн. га	1 кишига тўғри келадиган майдон га/одам.	Жами, мингга	1 кишига тўғри келадиган майдон га/одам	Жами, мингга	1 кишига тўғри келадиган майдон га/одам
1	2	3	6	7	8	9	10	11
	Дунё мамлакатлар жами	7100	13 398	1,9	1 650 000	0,24	330 000	0,05
1	Хитой	1453	1 017	0,8	144 320	0,11	54 596	0,04
3	АҚШ	320,2	1 045	3,4	193 544	0,63	22 385	0,07
8	Россия Федерацияси	146,2	1 690	12,1	119 035	0,85	4 600	0,03
13	Германия	80,7	35	0,4			485	0,01
24	Украина	45,7	60	1,3	34 000	0,74	2 208	0,05
30	Канада	33,5	1 085	32,4	49 561	1,48	785	0,02

37	Ўзбекистон	31,0	447	14,4	4 921	0,18	4 281	0,15
48	Қозоғистон	15,4	260	16,9	36 000	2,34	3 556	0,23
57	Беларус Республикаси	9,6	20	2,1	131	0,01	131	0,01
59	Озарбайжон	8,2	90	10,9	1 455	0,18	1 455	0,18
61	Тожикистан	7,3	10	1,4	722	0,10	722	0,10
67	Киргизстан	5,4	19	3,5	1 072	0,20	1 072	0,20
69	Туркмения	4,9	50	10,2	1 800	0,37	1 800	0,37
77	Арманистон	3,0	32	10,8	286	0,10	286	0,10

Бундан ташқари, бундай махсус комиссиялар ер олди-сотди савдосини ҳам назорат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Махсус комиссия хулосасига зид равишда амалга оширилган ер турлари ўзгартиришлари, жумладан, ер тақсимоти учун катта штраф санкциялари белгиланган.

Жумладан, АКШ, Канада, Германия, Франция ва бошқа давлатларда ер тақсимотига оид жараёнлар амалдаги қонуний ва давлат томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши таъминланган. Бу давлатларда ерга хусусий мулкчилик кўп йиллар давомида шаклланиб келганлиги сабабли саноат тармоқларига ер тақсимоти, аниқроғи олди-сотди шартномалари ҳам чегараланган. Масалан, Ғарб давлатларида йил давомида ер эгаларининг 1,5дан 5 фоизи, Данияда 4 фоизи, АКШ ва Ирландияда – 3 фоизгача, Германия ва Бельгияда – 1,5%га ер мулкини олди-сотди жараёнларида қатнашаётганлиги кузатилган.

Ривожланган давлатлар ер тақсимоти жараёнларини таҳлил қилиш доирасида ер –мулк муносабатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Ерга хусусий мулкчилик мавжуд давлатлар билан хусусий мулкчилик жорий этилмаган мамлакатларда иқтисодиёт тармоқларига ер тақсимотининг умумий тамойиллари мос келсада, ер ажратиш жараёнининг тубдан фарққиладиган ҳолатлари ҳам мавжуд. Чунончи, бошқа соҳа эҳтиёжлари учун ер танлови жараёнида ер эгаси – хусусий мулкдор сифатида ўз ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш мумкин, аниқроғи, лойиҳа иқтисодий ва бошқа жихатдан унинг ҳуқуқини тўла инобатга олмаганлигини. Бу эса маълум даражада ер ажратиш лойиҳасини ўз вақтида амалга ошмаслигига ва пировард натижада иқтисодийжараёнларни ривожига маълум даражада тўсиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун кўп мамлакатларда ерга хусусий мулк сақлангани билан бир қаторда, мулкчиликнинг асосий функцияси – тўла эгалик қилиш функцияси чегараланган. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланган давлатларда жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқи чегараланган. Шунинг учун ҳозирги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ерга бўлган мутлақ хусусий мулкчиликни тан олмаслик билан бир

қаторда ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўла эгалик қилишни қонун асосида кафолатлайди. [2]

Юқорида мисол келтирилган давлатларда ер ресурслари тақсимооти жараёнида давлат органлари ва маҳаллий органларнинг махсус комиссиялари маълум функцияларни бажаришади. [3] Бунда марказий давлат маҳкамалари ва органлари функциялари қуйидагилардан иборат:

- ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва оқилона тақсимлаш давлат стратегиясини белгилаш;
- ер ресурсларидан рационал фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш;
- ерга оид ҳужжатлар шаклларини тасдиқлаш;
- ерларининг сифат ва турларига кўра ер солиғи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш;
- миллий ва хусусий ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни давлат назоратини амалга ошириш.

Ер ресурсларини иқтисодиёт тармоқларига ажратишда чет давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик [4]:

1. Ерга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча давлатларда иқтисодиёт тармоқларига ер тақсимоотида ёки қишлоқ хўжалиги устуворлигини сақлаш ер ажратишда асосий тамойил ҳисобланади.

2. Қишлоқ хўжалиги ерлари, жумладан, алоҳида қимматга эга бўлган ерларни бошқа мақсадлар учун ажратиш давлат томонидан муҳофаза қилинган ва чекланган.

3. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қишлоқ хўжалиги ерлари ажратилганда зарар ва олинмаган фойда тўла қопланади. Зарар ва фойдани қоплаш амалдаги йуриқномаларга ва иқтисодий меъёрий кўрсаткичларга асосан амалга оширилади.

4. МДХ давлатларининг бозор иқтисодиёти яхши ривожланмаган республикаларида, жумладан, Қирғизстонда, ерга хусусий мулкчиликни жорий этилиши (1998 йил) бир қатор муаммоларни туғдиргани, бизнинг республикамизда ер ислохотларини босқичма-босқич олиб борилаётгани ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жаҳатдан тўғри амалга оширилаётганининг далилидир.

5. МДХ давлатлари тажрибасида, РФ да амалда қўлланилаётган йуриқномалар танлаш ва ажратиш ҳамда зарарни қоплаш, айниқса, сервитут, натижасида ёки бошқа ер эгалари фаолияти натижасида олинмаган даромадни қоплаш услубларини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авезбаев С.А. Ер тузишни илмий лойиҳалаш асослари. “Янги аср авлоди”, 2008.
2. Бобожонов А.Р. Аҳоли пунктларида ер кадастрини юритиш. “Архитектура”, 2011.
3. Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимоотида услубий ёндашув. “Иқтисодиёт ва таълим”, Т.: “Иқтисодиёт”, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2015. 14 –б.
4. Ер муносабатларини модернизациялаш шароитида ер ажратиш эволюцияси. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнал. Т.: “Иқтисодиёт”, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2015. 27 –б.
5. Integrative effect of nitrogen fertilization and biotreatments on rice growth and yield potential under open-field agriculture B Ravshanov, F Namozov, A Kurbonov, G Abdalova, A Karimov, ... Journal of Plant Nutrition 46 (8), 1701-1711
6. Sug'orish dalalarida suv-tuz almashuv jarayonini modellashtirish. DN Masharipovna Journal of new century innovations 3 (1)
7. ТУПРОҚНИНГ ИЛДИЗЛИ, ҲАЙДАЛМА ҚАТЛАМИ ВА АЙДАЛМА ҚАТЛАМОСТИ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ СУВ-ТУЗ ДИНАМИКАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ. DJUMABEKOVA NILUFAR MASHARIPOVNA
8. Effects of irrigation technologies on the productivity of reproduced soy varieties in Uzbekistan Mansur Tukhtamishev\*, Akmal Shamsiyev, Guliston Abdalova and Umbetali Sultanov Tashkent State Agrarian University, University str., 2, Tashkent province, 100140, Uzbekistan